

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **6 Почта алоқаси хизматларидан фойдаланишда афзалликлар бериладиган фойдаланувчиларнинг айрим тоифаларига почта алоқаси хизматлари кўрсатишни ташкил этиш тўғрисида**

«Почта алоқаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

#### 1. Қуйидагилар:

Почта алоқаси хизматларидан фойдаланишда афзалликлар бериладиган фойдаланувчиларнинг айрим тоифалари рўйхати 1-иловага мувофиқ;

Почта алоқаси хизматларидан фойдаланишда афзалликлар бериладиган фойдаланувчиларнинг айрим тоифаларига почта алоқаси хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 5 январь,  
1-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2010 йил 5 январдаги 1-сон қарорига  
1-ИЛОВА

## **Почта алоқаси хизматларидан фойдаланишда афзалликлар бериладиган фойдаланувчиларнинг айрим тоифалари РЎЙХАТИ**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати  
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Девони  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси  
Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши  
Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари  
Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди  
Ўзбекистон Республикаси Олий суди  
Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди  
Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси  
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

Вазирлар Маҳкамасининг  
2010 йил 5 январдаги 1-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Почта алоқаси хизматларидан фойдаланишда  
афзалликлар бериладиган фойдаланувчиларнинг  
айрим тоифаларига почта алоқаси хизматлари  
кўрсатиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом почта алоқаси хизматларидан фойдаланишда афзалликлар бериладиган фойдаланувчиларнинг айрим тоифаларига почта алоқаси хизматлари кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг амал қилиши почта алоқаси хизматлари кўрсатувчи «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти, унинг минтақавий (вилоят) почта алоқаси ташкилотлари (кейинги ўринларда минтақавий почта алоқаси ташкилотлари деб аталади), почта алоқаси объектлари, «Халқаро почта» ихтисослаштирилган филиали томонидан бажариладиган почта алоқаси хизматларидан фойдаланишда афзалликлар бериладиган фойдаланувчилар айрим тоифаларининг почта жўнатмаларига татбиқ этилади.

Почта алоқаси хизматларидан фойдаланишда афзалликлар бериладиган фойдаланувчиларнинг айрим тоифалари (кейинги ўринларда фойдаланувчиларнинг айрим тоифалари деб аталади) рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**II. Хизматлар кўрсатиш тартиби**

3. Фойдаланувчиларнинг айрим тоифалари томонидан жўнатиладиган почта жўнатмаларига жўнатувчидан адресатгача бўлган бутун ўтиш йўли давомида «HUKUMATGA OID» белгиси билан ишлов берилади, жўнатилади ва топширилади.

4. Қўйидагилар «HUKUMATGA OID» белгисига эга почта жўнатмалари бўлиши мумкин:

хатлар (оддий, буюртма, қиймати эълон қилинган);

бандероллар (оддий, буюртма, қиймати эълон қилинган);  
посилкалар (оддий, қиймати эълон қилинган).

«HUKUMATGA OID» белгисига эга почта жўнатмалари почта алоқасининг худудий ташкилотлари ёки почта алоқаси боғламалари, почтаамтларнинг буйруқлари билан белгиланган ажратилган почта алоқаси бўлимлари томонидан қабул қилинади.

«HUKUMATGA OID» белгисига эга почта жўнатмаларига бошқа почта жўнатмаларидан алоҳида, йирик почта алоқаси бўлимларида эса — махсус иш жойларида ишлов берилади ва белгиланган манзил бўйича энг тез усулда жўнатилади.

5. «HUKUMATGA OID» белгисига эга почта жўнатмалари фақат Рўйхатга киритилган фойдаланувчиларнинг раҳбарлари номига ва раҳбарлари номидан жўнатилади.

6. «HUKUMATGA OID» белгисига эга почта жўнатмаларини қабул қилиш, уларга ишлов бериш, уларни ташиш ва етказиб бериш (топшириш) ушбу Низомда назарда тутилган талабларни ҳисобга олган ҳолда почта жўнатмаларининг тегишли турлари учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

7. «HUKUMATGA OID» белгисига эга почта жўнатмаларининг ўлчами, оғирлиги ва ўрови почта жўнатмаларининг тегишли турлари учун Почта алоқаси хизматлари кўрсатишнинг амалдаги қоидаларида белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

8. «HUKUMATGA OID» белгисига эга почта жўнатмалари жўнатувчилардан белгиланган шаклдаги рўйхатлар бўйича ёпиқ ҳолда қабул қилинади.

Оддий ёзма хат-хабарларни жўнатиш учун рўйхатлар бир нусхада, рўйхатга олинadиган почта жўнатмаларини жўнатиш учун — икки нусхада тўлдирилади.

9. Рўйхатга олинadиган почта жўнатмаларини қабул қилишда рўйхатларда қуйидагилар кўрсатилади: почта жўнатмасининг белгиланган манзили, адресатнинг фамилияси (номи), оғирлиги, жўнатиш учун тўлов ва квитанция дафтари бўйича почта жўнатмасининг рақами. «HUKUMATGA OID» белгисига эга оддий ёзма хат-хабарларни қабул қилишда — рўйхатларда хатларнинг конвертларда кўрсатилган чиқиш рақамлари кўрсатилади.

10. «HUKUMATGA OID» белгисига эга почта жўнатмаларини жўнатиш учун тўлов тегишли почта жўнатмаларини қабул қилиш вақтида амалда бўлган тарифлар бўйича тўланади.

11. «HUKUMATGA OID» белгисига эга оддий ва буюртма хатлар, оддий ва буюртма бандероллар хаттоки бундай белгига эга бир донa почта жўнатмаси мавжуд бўлганда ҳам бошқа хат-хабарлардан алоҳида йиғиндиларга жойланади.

12. «HUKUMATGA OID» белгисига эга ёзма хат-хабарли йиғиндилар, микдоридан қатъи назар, барча ўтиш босқичларида алоҳида қопларда жўнатилади.

13. «HUKUMATGA OID» белгисига эга почта жўнатмалари барча мум-

кин бўлган усуллар ва воситалар билан энг қисқа муддатларда етказиб берилди.

14. «HUKUMATGA OID» белгисига эга оддий почта жўнатмалари белгиланган шаклдаги ҳужжатларга имзо қўйган ҳолда белгиланган тартибда топширилади, бу ҳужжатларда қуйидагилар кўрсатилади: қабул қилинган жойи, почта жўнатмасининг қобифига қўйилган биринчи чиқиш рақами (рақами бўлмаганда «р/й» деб кўрсатилади) ва адресат номи.

### **III. Яқуний қоида**

15. Ушбу Низом талабларини бажармаганлик ёки зарур даражада бажармаганлик учун алоқа ходимлари қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.